FARG'ONA VILOYATI TOSHLOQ TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 10 - aprel 84-11-160-Q/22 Toshloq tumani hokimligi

Туман худудидаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) 7-моддасига мувофиқ ҳамда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишини олдини олиш мақсадида, туман ички ишлар бўлимининг 2022 йил 21 февралдаги 39/8-457-сонли мурожаатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошлоқ туман ички ишлар бўлимининг 2022 йил 21 февралги 39/8-457-сонли туман марказида йўл ҳаракатини тартибга солиш ҳамда тирбандликларни олдини олиш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш ҳақидаги мурожаати инобатга олинсин.

2. Туман худудидан ўтувчи 4Р-140 "Марғилон-Қува-Мархамат" автомобиль йўлининг ПК96+00-ПК103+00 оралиғи чап ва ўнг томонига транспорт воситаларининг тўхташи ва тўхтаб туриши тақиқланишини билдирувчи (3.27- "Тўхташ тақиқланган") тақиқловчи йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин.

3. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ф.Бектошев, Тошлоқ туман

йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори А.Узақовларга ушбу йўл белгиларини ўрнатилишини ташкил этиш ва йўлларда ҳаракат хавфизлигини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор “Тошлоқ тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. “Тошлоқ тонги” газетаси (М.Нурматов)га туман ҳокимининг мазкур қарорини расмий эълон қилинишини таъминласин.

6. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Деҳқонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Джурабаев**